

## ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНИШИДА БИЗНЕС-ИНКУБАТОРЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСЛАРИ

Узайдуллаев Шерзод Шукуруллаевич  
Гулистон давлат университети ўқитувчиси

**Аннотация.** Бизнес инкубатор-бу ўз фаолиятини янгидан бошлаётган кичик корхоналарни янада ривожлантириш учун бир мунча қулай шарт-шароитлар яратиб берувчи ташкилот ҳисобланади. Технополисларнинг кўп тармоқли фаолияти давлат иштирокида фундаментал ва амалий лойиҳаларни шакллантириш ва амалга оширишга асосланади. Уларнинг орасида корхоналарга бино ва иншоотларни имтиёзли шартлар асосида бериш, алоқа воситалари, офис ускуналари ва шу каби зарур жиҳозлар билан таъминлаш кабиларни ажратиб кўрсатишимиз мумкин. Қўллаб-қувватлашнинг муҳим таркибий қисмларидан бири-бу кичик бизнесни ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга бўлган референтлик, бухгалтерлик, ҳуқуқий, таълим ва консалтинг хизматларини кўрсатишдан борат. Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётини инновацион тараққиётга йўналтиришда бизнес-инкубаторларнинг аҳамияти ҳар қачонгидан ҳам ошиб бормокда.

**Калит сўзлар.** Бизнес-инкубатор, технополис, автоном инкубатор, инфратузилма, технополис.

**Аннотация.** Бизнес-инкубатор – это организация, создающая благоприятные условия для дальнейшего развития малых предприятий, начинающих свою деятельность. Многопрофильная деятельность технополисов основана на формировании и реализации фундаментальных и практических проектов с участием государства. Среди них можно выделить предоставление зданий и сооружений предприятиям на льготных условиях, предоставление средств связи, оргтехники и аналогичного необходимого оборудования. Одной из важных составляющих поддержки является оказание справочно-бухгалтерских, юридических, образовательных и консультационных услуг, имеющих большое значение для развития малого бизнеса. Сегодня как никогда возрастает значение бизнес-инкубаторов в направлении экономики нашей страны на инновационное развитие.

**Ключевые слова.** Бизнес-инкубатор, технополис, автономный инкубатор, инфраструктура, технополис.

Баъзи ҳолларда, бизнес-инкубаторлар маҳаллий бозорларга чиқиш учун тадбиркорларга лизингга асбоб-ускуналар олишга, иш фаолиятини йўлга қўйиш учун кредит маблағлари олишга ёрдам берадилар. Шундай қилиб,

тадбиркорнинг асосий вазифаси - маҳсулот ёки хизматлар ишлаб чиқаришни бошлаш учун ва бозорга кириб боришдан иборатдир, бу борада мавжуд муаммоларни ҳал этишга бизнес-инкубатор жамоаси (маъмурият, экспертлар, маслаҳатчилар) ёрдам беради.

Шу боис, бизнес-инкубатор бир неча муҳим хусусиятларга эга бўлиши талаб этилади:

- худуднинг янгидан ташкил этилаётган корхоналарининг талабларига жавоб берувчи, ҳар қандай бизнесни қўллаб-қувватлаш учун кенг қамровли дастур эга бўлиш;
- бизнес-инкубатор раҳбарияти янгидан ташкил этилаётган корхоналарни қўллаб –қувватлаш кўникмаларига эга бўлиши лозим;
- ёрдамга мухтож ва дастурларда иштирок этиш орқали максимал фойда олиш имкониятига эга бўлган компанияларни танлаб олиш талаб этилади.

Кейинчалик, компания инкубаторни тарқ этар экан, инкубаторнинг бино ва иншоотларини, асбоб-ускуналарини инкубаторга қайтаради ва ўзи мустақил корхона сифатида фаолият кўрсата бошлайди. Бу вақтга келиб, улар мустақил фаолият кўрсатиш, маслаҳатчиларни ёллаш, молиявий манбаларни излаб топиш ёки ўз эҳтиёжлари учун бино ва иншоотларни ижарага олиш учун етарли бўлган ички ресурсларни шакллантира олиши лозим. Одатда, бизнес-инкубаторга тадбиркорлик лойиҳаларини амалга ошириш учун 10-20 тагача турли тармоқ ва соҳаларда фаолият кўрсатувчи кичик корхоналар бирлашадилар. Бизнес-инкубаторлар тадбиркорларга турли хизматлар билан бир каторда, бизнес юритишнинг турли масалалари бўйича маслаҳат берадилар ва худуддаги иқтисодий вазият бўйича таҳлилий ахборотлар тақдим этадилар ва консалтинг хизматлари кўрсатадилар. Бизнес-инкубаторлар тадбиркорларнинг ижара тўловлари, инкубатордан мустақил ажралиб чиққан ва бугунги кунда муваффақиятли фаолият кўрсатаётган корхоналар фойдаси (сотиш ҳажми)дан ажратилаётган улушлар, ўқув юртлари, саноат

корхоналарининг маблағлари ва венчур капитал ҳисобига кун кўради. Шундай қилиб, инкубатор бюрократик тўсиқ-ларни бартараф этишга ёрдам беради ва фирмаларни тегишли воситалар ва ускуналар билан таъминлайди. Шу сабабли, лойиҳани ишлаб чиқишга сарфланадиган вақт сарфи ва дастлабки харажатлар камаяди. Энг муҳими, бизнес-инкубатор консалтинг, таълим, ахборот хизматлари кўрсатиш, менежмент ва маркетинг жиҳатдан тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш орқали тадбиркорларнинг илмий-тадқиқот фаолияти натижаларидан кенг фойдаланишларига имкон яратади, бу эса ўз навбатида бошловчи тадбиркорлар фаолиятининг муваффақиятли кечишини таъмин этади. Инкубаторлар иқтисодиёт, илм-фан ва технологиялар ривожига тутган ўрни жиҳатидан технопарклардан фарқ қилади. Биринчидан, бизнес-инкубаторлар фақат янгидан ташкил этилаётган компаниялар ёки фирмаларни уларнинг дастлабки ривожланиш босқичида қўллаб-қувват-лайдилар. Иккинчидан, улар нафақат, юқори технологиялар соҳасидаги фирмаларни, балки турли тармоқ ва соҳаларга мансуб кичик бизнес субъектларини ҳам қўллаб-қувватлайдилар. Учинчидан, инкубаторлар одатда, офис ва бошқа биноларни қуриш учун ер майдонларини ижарага бериш имконига эга эмаслар. Тўртинчидан, бизнес-инкубаторлар фирмаларнинг инкубация даврида фирмаларни доимий янгилаб бориш сиёсатини амалга оширадилар. Кўриниб турибдики, бизнес-инкубаторлар биринчи навбатда, кичик бизнесни қўллаб-қувватловчи инфратузилманинг таркибий қисми ҳисобланади. Улар автоном тузилма сифатида ҳам фаолият юритишлари ва шунингдек, кичик инновацион тадбиркорликни ривожлантиришнинг дастлабки босқичларида тадбиркорларни қўллаб-қувватлаган ҳолда технопарк ёки илмий паркларнинг таркибида ҳам фаолит кўрсатиши мумкин. Автоном инкубаторлар асосан технологик бўлмаган тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Технопарк таркибига кирувчи, шунингдек, университет ёки илмий ташкилотларнинг яқинида жойлашган инкубаторлар инновацион кичик корхоналарни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган бўлиб,

улар одатда технологик инкубаторлар деб, аталади. Технологик бизнес-инкубаторларнинг ўрни фан сиғимли ва юқори технологияли бизнес соҳаларида банд бўлган кичик инновацион корхоналарни “ўстириш” ҳисобига юқори технологияли тармоқларни қўллаб-қувватлашдан иборат. Технологик бизнес-инкубаторлар, одатда, универси-тетлар ва илмий марказларда яратилгани сабабли билимларни узатишга, уларнинг тижоратлашувига ёрдам берадилар. Бундан ташқари, улар юқори малакали кадрлар учун иш жойлари яратилишини таъмин этган ҳолда, МИТ кадрларининг мобиллик даражасининг ошишига хизмат қилади.

Бизнес-инкубаторлар пайдо бўлган XX асрнинг 40- ва 50-йилларидан бошлаб то ҳозирги кунгача бизнес-инкубаторларнинг уч авлоди шаклланганлигини кузатишимиз мумкин. Иккинчи ва учинчи авлод бизнес-инкубаторларининг янги модификацияси бизнес-инкубаторларнинг дастлаб-ки моделдан сезиларли даражада фарқ қилади. Ҳар бир кейинги авлод аввалги моделларнинг ишлашига бир неча ўзгариш киритган бўлса-да, ҳозирги вақтда учта авлод инкубаторлари параллел равишда фаолият кўрсатиб келмоқда. Биринчи авлод бизнес-инкубаторларнинг шаклланиши 1970 йилларнинг иккинчи ярмига тўғри келсада, 1940-йилларнинг охирлари ва 1950-йилларнинг бошларида ҳам бизнес-инкубаторларни ташкил этиш борасида дастлабки уринишлар амалга оширилган. Саноати ривожланган мамлакатлардаги инқироз минтақаларда турғунликдан халос бўлишга ёрдам берадиган янги иқтисодий сиёсат воситаларни излашга мажбур қилди. Инкубаторлардан иқтисодиётни минтақавий даражада қайта қуриш ва диверсификатсия қилиш, шунингдек, ҳудудларда янги иш ўринлари яратиш ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш мақсадида фойдаланила бошланди. Бу бизнес инкубаторлар яратишдан кўзланган асосий мақсадлардан бири эди.

Бу босқичда улар маҳаллий аҳамият касб этар эди. Инкубаторнинг минтақанинг бошқа институционал тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлиги жуда камтарона бўлиб, у одатда минтақавий ҳокимият органлари билангина

чекланган эди. Катта бизнес билан ўзаро муносабатлар йўлга қўйилган бўлсада, бу алоқалар доимийлик касб этмас эди.

Ушбу босқичда бизнес-инкубаторлар муниципал ва марказий давлат идоралари ташаббуси билан ташкил этилган бизнес-инкубаторлар, айнан мана шу ҳокимият идораларининг ҳар томонлама қўллаб –қувватлашлари натижасида “омон қолишди” ва ўз мижозларига имтиёзли нархларда хизматлар кўрсатиш имкониятига эга бўлишди. Биринчи авлод бизнес инкубаторларининг ўзига хос хусусияти шундаки, улар нотижорат ташкилоти сифатида фойда олишга кўп эътибор қаратмаганлар. Улар ўз-ўзини қопловчи тузилма эмас эдилар ва табиийки уларнинг фаолияти фойда олишга йўналтирилмаган эди. Одатда, ушбу авлод инкубаторлари ихтисос-лашмаган эди. Битта бинода ва бир хил шарт-шароитда илм-фан сиғимли корхона ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхона ҳам фаолият кўрсатиши мумкин эди. Иқтисодиётнинг турли соҳалари учун улар деярли бир хил бўлган хизматлар мажмуини таклиф қилар эдилар, аммо бу хизматлар бинони ижарага бериш, коммунал хизматлар кўрсатиш ва корхоналарни алоқа воситалари билан таъминлаш билан чекланар эди. Бизнес-инкубаторларнинг муҳим афзаллиги шунда эдики, ягона инфратузилмани яратиш ҳисобига харажатларни камайтириш, етарлича юқори сифатли хизматлар кўрсатишга эришилди ва компанияларни жадал ривожлантириш учун қулай муҳит яратилди.

Кўрсатилган хизматлар учун компаниялар тўловни акциялар билан эмас, балки нақд пулда амалга оширар эдилар. Ўша даврда инкубаторлар асосан бино ва ер майдонларини ижарага бериш шуғуллланар эдилар, бу эса кичик бизнесни қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этар эди.

1980-йилларнинг ўрталарига келиб бозордаги вазият тубдан ўзгариб, бозор субъектларининг рақобатбардошлиги кўп жиҳатдан технологиялар трансферининг тезлигига, илмий ишланмаларнинг хусусий секторга берилиши ва уларни бозорга олиб чиқиш тезкорлигига боғлиқ бўлиб қолди. Айни шу

даврдда АКШ Миллий илмий фонди бизнес-инкубаторларни университетлар атрофида барпо этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шундай қилиб, биринчи авлод доирасидаёқ, инкубаторлар кичик инновацион корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва технологиялар трансферини жадаллаштириш учун бир восита бўлиб хизмат қила бошлади.

Бизнес-инкубаторлар иккинчи авлодининг шаклланиши ва ривожланиши бир қатор омиллар билан белгиланди. Биринчидан, илм-фан ва технологиянинг жадал ривожланиши илм ва технологияларнинг трансфери, тадқиқот ва ишланмаларни тижоратлаштириш жараёнларини жадаллаштиришни талаб қилади.

## АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармонида 1-илова “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. - <http://lex.uz>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. [www. uza.uz](http://www.uza.uz)
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 05 июндаги ПФ-5068 сонли “Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида инновацион технопарк ташкил этиш тўғрисида” ги Фармони. - <http://lex.uz>.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264 сонли “Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони. - <http://lex.uz>.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 ноябрдаги ПҚ-2658 сонли “Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори. - <http://lex.uz>.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3279 сонли “Сирдарё вилоятида замонавий пахтачилик-тўқимачилик кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. - <http://lex.uz>.
7. Концепция организации хлопково - текстильных кластеров в Республике Узбекистан. Официальный документ. Т.:2017 г.
8. Захидов Г.Э. Ишлаб чиқаришни кластер усулида ташкил этиш ва бошқариш услубиёти. // Монография. – Тошкент: «Fan» нашриёти, 2016.- 157 б.